



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 20 июн, жума № 95 (1520)

БЕШАҒБА, ЧОРШАҒБА, ЖУМА ВА ШАНҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## 2003 йил – Обод маҳалла йили

Одамларнинг маънавий бойликларини ўстириш, баркамол ёшларни тарбиялашда кўп нарса маҳаллалардаги ишларга боғлиқ бўлиб қолди. Маҳалла аҳли билан биргаликда дамларда одамларнинг феъл-атвори, орзу-истаклари яққолроқ намоён бўлади. Бинобарин, маҳалла фуқароларини бирлаштирадиган, элнинг имкониятларини рўйбга чиқарадиган, аҳолини ёрғун манзилларга бошлай оладиган макон бўлиши керак.

## АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА

Шу жиҳатдан Нуробод туманидаги «Наврўз» маҳалласи фаолиятини эътироз этиш мумкин. Туман марказидаги кўп қаватли уйлاردан иборат бўлган 3 мингдан зиёд аҳоли, 986 оила истиқомат қилади. Маҳалла ҳудудига дарахатлар кўп. Ҳаммаёқ обод, саранжом-сарийшта. Қисқаси, бу ерда ўзгача фойз бор.

Уз-ўзини бошқаришнинг аҳамияти ошган сари маҳалланинг мавқеи ҳам кўтарилаётти. Илгари маҳалла кўмитасининг фаолияти сезилмас, ҳеч ким у билан ҳисоблашмас ҳам эди. Шу боис бизнинг маҳалламиз йилнинг ҳам кўп қаватли уйлاردан бирининг ертўласида жойлашган эди, - дейди оқсоқол Тошбой Рашидов, - Мустиқиллик туғайли маҳаллага муносабат ўзгарди. Қадимий анъаналар тикланди. Ўтган йили маҳалла йилгени учун алоҳида жой берилди. Бу йил «Обод маҳалла йили» дастурига мувофиқ маҳалла марказини бунёд этиш учун 0,25 гектар ер ажратилди.


Ҳақиқатан, ҳозир маҳалла марказини тиклаш учун жадаллик билан қурилиш давом этаётган. У икки қисмдан иборат бўлиб, биринчисидан савдо, маиший хизмат шохобчалари, кичик цехлар жойлашади. Иккинчисидан эса идора, кексалар чойхонаси, тўй ва маросимлар зали бўлиши мўлжалланган. Ҳашар йўли билан анчагина ишлар қилинди. Бинонинг биринчи навбатини Мустиқиллик байрамигача ишга тушириш учун ҳаракат қилинмоқда.

Маҳалла аҳолисининг асосий қисми Жанубий кон бошқармасига қарашли корхоналарда ишлашади. Тадбиркорлар кўп. Шу боис маҳаллада атғи 5 та оила кам таъминланган ҳисобланади. Албатта, ишсизлар ҳам бор. Маҳалла марказининг ишга туширилиши бу масалани ҳал этишда бир қадар ёрдам беради. Бу ерда оқсоқол ва фаоллар ҳар бир фуқаронинг турмушини, мушуқлини яхши билишади. Шу туғайли муаммолар ечимини топиш, олдини олиш осонлашмоқда.

Турли тадбирларни уюштириш ва амалга оширишда М.Қорахулов, Я.Маҳкамов, Х.Сафқуова, М.Бобожонова каби фуқаролар фаолият кўрсатишаёпти. Уларнинг тақлиф ва ташаббуси билан маҳаллада баскетбол, волейбол майдончалари, теннис корти, сайрғоҳ жиҳозланди. Оилалар, ёшлар ўртасида турли мусобақалар, тадбирлар ўтказилаёпти. Ҳомийлар топилиб, улар ёрдамида спорт анжомлари, либослар сотиб олинди. Фуқароларнинг, айниқса, кексаларнинг дам олиш пайтларида фойдаланиш учун шохмот, шашка ҳам бор.

Одамлар ҳар куни кечки пайт маҳалла марказига йиғилишади. Бунда бирор масала ҳақида фикрлашади, бир-бирларининг ҳол-аҳволи сўралади.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири



Қизилтепа туманидаги Худойёр Сулаймонов номи фермерлар уюшмасига қарашли Юнус Севаров раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон» фермер хўжалиги Навоий вилоятида биринчи бўлиб ғалла ўрими-йиғимини якунлади. Фермер 30 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил кўтарди. Давлатга 70 тон-

## ЮНУС ФЕРМЕР ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛДИ

на дон топширди. Ўзига 80 тонна дон қолди. Айни пайтда тумanning ўртачўл ҳудудига ишлаётган ўн бир «Кейс»нинг ҳар бири кунига 20 гектардан ортиқ майдондаги ғаллани ўриб-ян-

чиб олмоқда. Ҳозиргача 50 га яқин фермер давлатга ғалла топшириш шартнома режасини бажарди. Бу йил қизилтепаликлар давлат оморларига 23 минг тоннадан зиёд дон топшириш лозим. Улар бу режани қийинчиликсиз удалаб, даладаги ҳосилни бир ойда йиғиштириб олишга аҳд қилган. (ЎЗА)

## Ўзбекистон-Хитой: ҳамкорлик қирралари

Нонни қанчалик азиз ҳисобласак, чойни ундан қанчалик кўрмаймиз. Уйимиз ёнидан ўтган кишини ичкарига тақлиф этарканмиз, унга бир пийёла чой узатамиз.

Бундан ўн йиллар муқаддам Уйчи тумани Машад қишлоғига етмасингиздан салгина берида, кўчанинг ўнг томонида алмисоқдан қолган ва назарингиз тушса, юрагингиз увишиб кетатанланди.

Бу ёқда корхонани бунёд этиш ишлари авж олдириб юборилди. Саралаш, тайёрлаш, қадоқлаш, ишчиларнинг дам олишлари учун мўлжалланган хоналар барпо этилди. Ни-

## НАМАНГАН ЧОЙИДАН ИЧИНГ

диган қадимий иморатлар турарди. Меҳнат фаолияти давомида хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаган, тадбиркор Ҳабибулло Мирзаахмедов ака-укалари билан маслаҳатни бир жойга қўйгач, ана шу жойда мамлакатимизда харидоригир саналган чой маҳсулотни тайёрлаш корхонаси ташкил этишга бөл боғлади. Унинг истагини туман ва вилоятдаги тегишли ташкилотлар маъқулладилар. Тадбиркор мақсадини амалга ошириш учун шу турда маҳсулот ишлаб чиқарувчи қатор мамлакатларда бўлди ва кўшни Хитой Халқ Республикасидаги «Ан-Хо» компаниясини ҳамкорлик учун маъқул, деб


хоят 1998 йилда «Ал-Жаҳон» Ўзбек-Хитой чой қадоқлаш қўша корхонасининг дастлабки маҳсулотни сотувга чиқарилди. Ҳозирги кунда корхонада тайёрланаётган маҳсулот Фарғона водийси аҳолисининг чойга нисбатан эҳтиёжини қондирмоқда. Корхонада жорий йилнинг биринчи қоррагида 179 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Олинган соф фойда 11 миллион сўмни ташкил этди. «Ал-Жаҳон» ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бораёпти, - дейди корхонанинг ижрочи директори Юсуфжон Мўминов. - Корхона қошида аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бир неча шохобча ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари

«Бунёд» номи билан сочик ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсатмоқда. Узимизда етиштирилётган пахта толасидан тикилган матодан ишлаб чиқарилаётган бу турдаги маҳсулот учун ҳозирданок Россиядан буюртма олинди. Сочикнинг 50-60 фоизи экспорт учун мўлжалланган. Энг муҳими, бугунги кунда ҳар икки корхонамиздан ўрта мактабни таъминлаган юздан ортиқ йигит-қизлар ўз ўринларини топишди. Яқин орада улар сони яна 50 нафарга кўпаяди.

«Ал-Жаҳон»нинг хайрия соҳасидаги ишлари ҳам мактовга лойиқ. Кам таъминланган оилалар ва ёлғиз қарилар ҳамда ногирон кишиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги савий-ҳаракатлар кенгайтирилди. Уйчи туманидаги 17-мактаб оталиққа олинган. Ушбу билим маскани ҳар йили таъмирлаб берилади. Кам таъминланган оилаларда ўсаётган ўқувчиларга кийим-кечак ва ўқув қуролларидан, дарсликлардан қўмақлашади. Шу билан бир қаторда 20 нафарга яқин уруш фахрийлари ҳам оталиққа олинган бўлиб, улар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

О.ЖУМАНАЗАРОВ «Ишонч» муҳбири

Зарафшон шахридаги Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли арақасий кон бошқармаси кўп тармоқли санат корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг фаолият доирасига асосан, уран, олитин каби нобил металллар, фосфоритлар ва қурилиш материалларини қидириш ва қазиб олиш киради. Қидирув ишлари маъдан қазиб



олиш ва уни қайта ишлашдан бошлаб, то соф олтин олишгача бўлган жараённи ўз ичига олади. Марказий кон бошқармасига қарашли 2-гидрометаллургия заводи ва «Мурунтау» кони корхонанинг самарали фаолият юритишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Суратда: ишчи Александр Малишев, С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Суратда: ишчи Александр Малишев, С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

Қишлоқ хўжалигида иктисодий ислохотлар ичкилик билан амалга оширилаётган Сурхондарё вилоятининг бир йўла икки - Қизилриқ ва Сарисийё туманлари мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома-режасини бажарди.

Қизилриқ тумани ғаллакорлари 38 минг 707 тонна дон тайёрлаш бўйича тузган шартнома-режани бажариш йўлида самарали иш қилди. 9 минг 639 гектар майдондаги ҳосилнинг асосий қисми йигирма икки «Кейс» комбайни билан ўн беш иш кунини ўриб олинди. Ҳосилдорлик 44 центнерни ташкил этди.

«Қизилриқ» ширкат хўжалиги ҳосилдорлигини 47 центнерга етказган бўлса, «Гиламбон» ширкат хўжалиги 51 центнердан, «Янги йўл» ширкатчилари 51,5 центнердан хирмон кўтарди. Ҳали бу хўжаликларда ғалласи ўрилмаган майдонлар анча. Сарисийё тумани ғалла-

корлари эса қарийб тўрт минг гектар ерда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштирди. Бугдой ўрими-йиғими уошқоқлик билан бошланиб, ўн иш кунини давлатга 9 минг 78 тонна дон топширилди.

Туман хирмонининг тез ва баракали оқсалишида ҳосилдорлигини 52-57 центнерга етказган «Дўстлик», Бобур, Й.Охунбобоев, И.Диёров номидagi ширкат хўжаликлари, ғаллачиликка ихтисослашган 16 фермер хўжалиги ҳамда кўплаб оилавий пудратчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда катта тажрибага эга бўлган сарисийёлик деҳқонлар бугдойдан пўшама майдонларни бешма-пеш шудорлаб, чигит қадашни бошлаб юборди.



Туманларда ғалла ўрими-йиғими давом этмоқда. (ЎЗА)



## «АРМИЖОН» СТАДИОНИ

Навбахор туманида шу йилнинг ўзида ўндан ортиқ янги стадион фойдаланишга топширилди. «Арабсарой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi «Армижон» маҳалласида ҳам янги спорт мажмуи ишга тушди. Қишлоқ ёшлари ҳашар йўли билан қурган иншоотга туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими ҳамда хомийлар катта ёрдам берди.

Янги стадионда Навоий шахрининг «Медик» ва Навбахор туманининг «Дулдул», «Янгиқўрғон», «Ёшлик» ҳамда «Камалак» футбол жамоалари ўзаро беллашди. Мусобақада «Армижон» маҳалласининг «Ёшлик» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Республикамиздаги қатор «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйлари «Фриденсдорф-Интернешнл» халқаро ташкилотидан умумий қиймати 100 минг еврога яқин маблағга тенг тиббий анжомлар, болалар ва ногиронлар аравалари, велосипедлар, кийим-кечак, пойабзаллардан иборат инсонларварлик ёрдамини олди. «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармасида ушбу ёрдамни топшириш маросими бўлиб ўтди.

## БОЛАЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМҲЎРЛИК

Бу тадбир узок муддатли ҳамкорлик дастурини амалга оширишнинг бир қисми бўлиб, бу борадаги битим бир йил аввал Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва «Фриденсдорф-Интернешнл» ташкилоти ўртасида тузилган. Бу ташкилот Германияда жойлашган ва 1967 йилдан бошлаб ривожланаётган давлатларга бемор болаларни Европанинг энг яхши клиникаларида даволаш учун шароитлар яратишда ёрдам бериш билан шуғулланади. Ташкилот дунёнинг 25 мамлакатини, шулар жумласида республикамиз билан ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда Германиядаги клиникаларда 8 нафар ўзбекистонлик бола бепул даволанаётир. Уларнинг беш нафари юртимизга қайтиб келди. Августда эса Германияга ана бир гуруҳ ўғил-қизларни ташхисдан ўтказиш ва даволаш учун жўнатиш режалаштирилган. «Фриденсдорф-Интернешнл» ташкилоти раҳбари Рональд Гегенфуртнер раҳбарлигидаги ушбу ташкилотлар вакилларининг юртимизга ташрифидан қўлланган мақсад ҳам соғайишга муҳтож болаларни танилаб олишдир. Ташриф давомида шифокорларимиз ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси мутахассислари билан ҳамкорликда улар Тошкентда, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида 200 нафардан ошқ болани тиббий қуриқдан ўтказди. Тўпланган маълумотлар Европанинг даволаш муассасаларига малакали шифокорларнинг бу ерда мазкур болаларга ёрдам кўрсатиш имкониятлари тўғрисидаги ҳулосасини олиш учун жўнатилади. Бунга ижобий ҳол бўлиб, қишда Европада даволаниш учун ана бир болалар гуруҳи жўнатилади.

«Фриденсдорф-Интернешнл» ташкилоти вакиллари ташриф яқини бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова билан учрашди. Учрашувда ёш авлод соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш бугун мамлакатимиз раҳбарияти сиёсатининг устувор вазифасига айланганлиги ҳақида сўз борди. Бу борада она ва бола республика скрининг тизми ташкил этилган, аҳолининг репродуктив саномаглигини яхшилашга катта эътибор берилмоқда, ёш авлодини спорт ва ҳисмоний тарбия билан шуғулланишга оммавий жалб қилишга қаратилган ишлар фаолаштирилди.

Биз Ўзбекистон билан болаларни соғломлаштиришда ҳамкорлигини ривожлантириш ниятидамыз, - дейди Рональд Гегенфуртнер. - Уларга керакли даволаш ёрдамини бериш соҳасини кенгайтириш режалаштирилмоқда. Етим болалар ва ногиронлар учун инсонларварлик ёрдамини топшириш бу борада яна бир янги қадам бўлди. Бундай тадбирлар келажақда ҳам ўтказилади ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорлигимиз дастурининг бир қисмига айланади. Зеро, фарзандларимиз соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш барчамизнинг бурчимиздир. (ЎЗА)

## ЯҚИН ШАРҚ:

## «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»ДАН УМИД КАТТА

Яқин Шарқда вазият изга тушмаётганига қарамай, Исроил ва Фаластин раҳбарияти БМТ, АҚШ, Европа Иттифоқи ҳамда Россия томонидан тайёрланган «Йўл харитаси» режасини ҳаётга жорий қилишга киришмоқда. Чунки мазкур режа Фаластин-Исроил можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг энг мақбул йўли экани тобора ойдинлашиб бораётир.

Исроил оммавий ахборот воситаларининг мамлакат мудофаа вазирлиги манбаларига сўйиб айтишча, Исроил ҳарбийлари яқин кунларда Фаластин ерида ноқонуний равишда қурилган 94 қишлоқни бузишга киришади. Бу-

зилиши кўзда тутилган беш қишлоқда ҳозир одамлар яшамоқда. Ҳарбий экспертларнинг таъкидлашча, ноқонуний тураржойларни бузишда асосий муаммо у ерда яшаётган аҳолининг ҳарбийларга қаршилик кўрсата бошлаганидан кейин пайдо бўлиши мумкин.

«Йўл харитаси»нинг ҳаётга татиқ этилишига, айниқса, Яқудий қишлоқлари кенгаши кескин қарши чиқмоқда. Яқинда кенгаш шу масалада баёнот тарқатди. Унда айтилишича, ҳар бир бузилган тураржой ўрнига эртаси кун яна ўнтаси пайдо бўлади.

Бирок турли баёнотларга қарамай, Исроил ҳукумати бошлаган

ишни охиригача етказиш ниятида. Ноқонуний тураржойларни бузиш бос вазир Ариэл Шароннинг ўтган ҳафтада Иорданияда АҚШ президенти Жорж Буш ва Фаластин маъмурияти бош вазирини Махмуд Аббос билан учрашувидан кейин берган баёнотига асосан амалга оширилмоқда.

«Йўл харитаси» ташаббускорлари мазкур режани имкон қадар тезроқ амалга ошириш лозимлигини уқтирмоқда. Чунки, ташаббускорлар мазкур режага Исроил ва Фаластин можаросини сиёсий музокара-лар йўли билан ҳал этишнинг энг ишончли чораси, деб қарамоқда. Бундан ташқари, мазкур режани Ис-

роил ва Фаластин бош вазирлари биргаликда қабул қилган. Энг муҳими эса тинчлик жараёни нафақат Фаластин-Исроил, балки Сурия-Исроил ва Ливан-Исроил ўртасидаги музокараларни ҳам қамраб олиши керак, дейилади Европа Иттифоқи борасида баёнотда. Шундангина Яқин Шарқ минтақасида мустақам тинчлик ўрнатиш имкони туғилади.

Италия ташқи ишлар вазири Франко Фраттини Сурияга сафари чоғида минтақавий тинчлик жараёнини Ливан ва Сурияга йўналтириш борасида БМТ, АҚШ ва Россия билан музокара ўтказишини маълум қилди. Ўз навбатида АҚШ президенти Жорж Буш ҳам Яқин Шарқда кенгаётган тинчлик жараёнига катта умид

билан қараётир. Менинг умидим катта, чунки, Исроил ва Фаластин бош вазирларининг тинчлик ўрнатиш ва Фаластин давлатини ташкил этиш зарурлиги ҳақида суҳбатлашганини ўз қулғим билан эшитдим, деди Оқ ўй раҳбари журналистлар билан учрашувда. Жорж Бушнинг таъкидлашча, Исроилга қарши қуролли кураш можаронини ҳал қилишга имкон бермаслигини араб дунёси яхши тушунади. Чунки, зуравонлик умидларни пучга чиқаради. Бинобарин дунё харитасида Фаластин давлати пайдо бўлиши учун Исроил ва Фаластин раҳбарияти террорчиликка қарши ҳамкорликда кураш олиб бориши керак.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси

## Шарҳловчи минбари

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

# ОЛТИН СОВРИНЛИ ЖАМОА

**Мустиқиллик шарофати билан Ўзбекистон дунёга юз тутди. Республикамиздаги соғлом муҳит юксак ақлий салоҳият ва ҳуқуқий қафолатлар иқтисодий ҳамкорликнинг асосий омилга айланди.**

«Қашқадарёпахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси бутунжаҳон сифат кўмитасининг «Сифат маданиятини яратиш» дастури бўйича таъсис этилган олтин совринига сазовор бўлди.

Бирлашма раҳбари Рустам Жўраев Швейцариянинг Женева шаҳрида Бутунжаҳон сифат кўмитасининг бешинчи анжуманида иштирок этди. 166 мамлакат вакиллари қатнашган тақдирда маросимда кўмита президенти Хосе Приетодан юксак мукофоти қабул қилиб олар экан, у мустиқил мамлакатнинг фарзанди эканлигини, ўзбек саноатчи тайёрлаган маҳсулотлар жаҳондаги ҳар қандай давлат билан рақобатлашаётганидан ғурурланди.

— Акциядорлик жамоамиз тизимида 12 та пахта тозалаш очик ҳисдорлик жамияти ва Чирокчи нотўқима матолар корхонаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди сўхбатдошимиз. — Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган пахта толасига хорижда талаб ортиб бормоқда.

Эндиликда Қашқадарё толасига Америка Қўшма Штатлари, Швейцария, Франция, Австрия, Италия, Англия, Бельгия каби мамлакатлардан буюртмалар тушмоқда. Хомашё ўндан ортик давлатларга экспорт қилинапти.

Бултур қашқадарёлик саноатчилар 323.667 тонна пахта хомашёсидан 109.795 тонна тола ишлаб чиқаришди. Тола чиқариши 34 фоизни ташкил этди.

Жорий йилда эса ўртача тола чиқариши 34,1 фоизга тўғри келади. Бу кўрсаткич Косонда 34,9, Чирокчи ва Нишонда 34,7, Қаршида 34,4 фоиздан иборат бўлди.

2002 йилда бирлашма тасарруфидagi корхоналар 1 миллиард 202 миллион 326 минг сўм соф фойда олган бўлсалар, 2003 йилнинг январь, май ойларига юқоридаги кўрсаткич 800 миллион

сўмдан ошиб кетди. Сифат-корхона кўзгуси. Утган йил истеъмолчиларга жўнатилган маҳсулотнинг 93,6 фоизи экспортга чиқарилди. Жорий йилнинг ўтган ойларидан 57378 тонна тола хорижга жўнатилди.


Пахта тайёрлаш масканларида хомашёнинг сифатли сақлашга эришилаётганини, ҳосилни чангдан тозалайдиган янги линияларнинг ўрнатилиши, қисқа технологияларнинг жорий этилиши, унумдорлиқни ошириш билан биргаликда маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берди. Масалан, Қарши, Яқкабоб ва Чирокчи пахта тозалаш очик ҳисдорлик жамиятларида тайёрланган толаннинг сифат кўрсаткичи юз фоизгача етди.

Пахта саноатида қисқа технологияга ўтилиб, кенг қўламдаги жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хомашёни ишлаб чиқаришда вентиляторлар 5 метр балангликка қўтарилди. Бу эса хаво сарфини кескин камайтириш ва электр энергияни иқтисод қилишга олиб келди.

Қамаши пахта тозалаш очик ҳисдорлик жамиятида янги тола ажратиш ускуналари ўрнатилди. Қўл меҳнати билан бажариладиган ишлар машина ва механизмлар зиммасига юклатилди. Сифатли тола ишлаб чиқариш учун тайёрлаш бўлимлари фаолияти ривожлантирилди. Жин ва линтер арраларини юксак унум билан ишлаши устидан назорат кучайтирилди.

Хар қандай қўлга киритилган ютуқ ишчилар, инженер-техник ходимлар меҳнати меваси. Агар шу маънода гап юритилган бўлса, созиловчилардан шахрисабзлик А.Эшназаров, қаршилик И.Ибодов, яқкабоблик П.Қурбонов, гулзорлик М.Йўлдошев, Б.Қайнарлов сингари фидойиларнинг ҳиссалари каттадир.

**ИЗЗАТ ХИКМАТОВ,**  
**«Ишонч» мухбири**



Наманган шаҳридаги «Атлас» акциядорлик жамияти қайта жиҳозланиб, айни кунларда тўла қувват билан ишламоқда.



Суратда: пиллакашлик цехи ишчиси Хосият Юсупова. **Х.МАМАДАЛИЕВ** олган сурат

### Бухоро вилоятида шифо масканлари хусусида гап кетгудек бўлса, кўнлар шахар касалхонаси жамоасини тилга олади.

Илгариги «Бухоро-текс» ҳисдорлик жамияти Тиббий-санитария қисми базасида ташкил этилган ушбу шифохонада эл соғлигини сақлаш борасида барча имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда. Энг муҳими бу ерда 10 дан ортик ихтисослашган бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиб келинаётир. Эл саломатлигини муҳофаза этиш, дардига дармон бўлишдек эзгу ишга 120 нафарга яқин ҳақимлар ва 300 нафардан ортик ҳамширалар камарбасталик қилмоқдалар.

— Ислохотларнинг биринчи босқичи яқунлашиб, кейинги босқич бошланди. Унда қўйилган муҳим вазифалардан бири шунки, энди бизда ҳам жаҳон талаблари даражасидаги юқори техника воситаларига ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатишга ўтиш зарур. Бунинг учун эса моддий база яратилиши шарт. Қолаверса, илгор тиббий технологияларни жорий этиш лозим. Шундангина кўзланган мақсадларга эришмоғимиз анча осон кечадди, — дейди боз ҳақим К.Саидов. — Шу боис замонавий таъхис ва даволаш тиббий ускуналардан самарали фойдаланишга интиляямиз. Шаҳар ҳокимли-

ги, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва молия бўлими масаланинг ташкилий, молиявий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосларини яратишда энг яқин кўмакдош бўлдилар. Натижада шифохонамида етарли шароитлар яратилди.

Ҳа, кейинги 2 йилда касалхонага Германияда ишлаб чиқарилган бир неча замонавий ускуналар келтирилди. Улар орасида ҳали бирор бир даволаш муассасасида бўлмаган мия иш фаолияти билан боғлиқ махсус мослама ва бошқалар бор.

Жамоада аҳиллик ва барқарорлик қарор топан. Хар ким қандай иш юритиш лозимлигини яхши билади. Айниқса, бўлим мудирилар фидойилик билан иш юритишга интиляшади. Раҳматулла Тўраев, Замир Жалолов, Адоллат Раҳимовларни ана шундай инсонлар сафига қўйиш мумкин.

Жамоа шартномасида илгари сурилган талаблар асосида касабаяушма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эъти-

### Юртимиз фидойи кишилари

бор билан ёндошилмоқда. Жамоадаги кўп болали кам таъминланган оилаларга маъмурият ва касабакўм маблағлари ҳисобидан рағбат изчил йўлга қўйилган. Иш ҳақи тўловларини вақтида амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Малакали шифокорлар хар чорак охирида рағбатлантирилади.

Касалхонада туғруқ комплекси мавжуд

баҳор Шарипова, Шоҳиста Раҳматова, Саломат Назаровалар она бўлиб, ўз чақалоқларини бағрига олиш бахтига муяссар бўлган эканлар.

Жарроҳлик, ортопедия, реанимация, функционал таъхис, болалар ҳамда ЛОР бўлимларида амалга оширилаётган тиббий хизматдан беморлар қониқиб ҳосил қилаётганликларини ҳам алоҳида уқтириб ўтиш жоиз. Бу ерда 86 беморга мўлжалланган хўжалик ҳисобидаги бўлимлар ҳам хизмат кўрсатмоқда. Ана шу ҳисобдан биргина 2002 йилда 50 миллион сўмга яқин қўшимча маблағ топилиди.

Жорий йилнинг ўтган 4 ойидаги даромад эса 13 миллион 262 минг сўмни ташкил этди. Шифохонада қўшимча жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишлари ҳамон давом эттирилмоқда. Умумий аҳоли оғир бўлган беморларга, яқкабоблик, боқувчисини йўқотган кишиларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, ноғиронларга, байналмилал жангчиларга тиббий ёрдам кўрсатишда барча қулайлик ва имтиёзлардан фойдаланишга ҳаракат қилинаёттир.

Тўғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ҳамда ҳомиладор аёлларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишда боз ҳақим ўринбосари М.Мирхўжаева ҳамда шифокорлардан М.Қамоллова, Р.Раҳимова, Р.Норбоева, М.Ақромова, М.Шарипова, М.Ражабовларнинг хизматлари бениҳоя каттадир.

**Усмон НАВРЎЗ,**  
**«Ишонч» мухбири**

### Ҳақ - ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

# ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

## бир томонлама бажарилганда

**Шартнома мажбуриятлари хар бир фуқаро, ташкилот, хўжалик, тадбиркорга алоҳида мажбурият юклайди. Ҳўш, шундай экан, хўжалик субъектлари ўртасида тузилаётган шартнома шартларининг бажарилиши қай аҳволда? Наманган вилоят хўжалик суди раиси Муслимхўжа Муҳиддинов билан сўхбатимиз шу хусусда бўлди.**

— Илгарилари шартномани тузиш бўйича фуқароларимиз унчалик тушунчага эга эмасдилар. Ҳозирги кунда эса хар бир фуқаро ўзи учун керакли ҳуқуқий билимларни ўрганишга интиляпти. Жумладан, бизнинг фаолиятимизда бу кўпроқ сезиялпти. Масалан, жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида деҳқон - фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлардан 200 та давво аризаси тушди. Бу муурожаатларда асосан иккинчи томоннинг шартнома талабларини лозим даражада бажармаётганилиги билдирилган. Бошқача айтганда, топширилган маҳсулот тўловлари таъминланмаган. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари фойдасига ундирилиши керак бўлган маблағ 477 миллион 837 минг сўмни ташкил қилади. Шу боис ҳуқуқшуносларимиз бу масала билан жиддий шуғулландилар. Натижада 108 нафар миҳозинг тарлаби қондирилди.

Масалан Чуст туманидаги «Мирзахумоюн» фермер хўжалиги раҳбари Ж.Сатторов аризаси бўйича судья Ю.Дадабоев шуғулланди. Натижада даввогар ҳақ бўлиб чиқди. Маълум бўлишича, фермер хўжалиги «Чуст пахта толаси» ҳисдорлик жамияти билан 12,5 тонна пахта сотиш бўйича 2001 йил 20 ноябрда битим тузган. Фермер 2002 йили келишилгандан ортиқроқ пахта топшириб, ваъдага вафо қилган. Бунинг учун қайта ишловчилар 1310540 минг сўмни шу йилнинг 1 январига тўлаши керак эди. Аммо амалда 1172680 сўмни фермерлар ҳисоб рақамига ўтказган холос. Қолган маблағ тўланмаган. Давво тарқим этилган, жорий йил 20 февралда қарз қопланди. Аммо шартноманинг қатор бандлари бажарилмаган. Ана шу мажбуриятларга муддатда амал қилинмаганлиги сабабли тўловни кечиктиргани учун акционерлик жамиятига хар бир кунга 0,4 фоиздан пеня тўлаш белгиланди, жами 16 минг 544 сўм миқдорда пеня ундириш тўғрисида ҳукм чиқарилди.

Худди шундай келишмовчилик Учқўрғон туманидаги «Кўгай» ширкат хўжалиги билан «Нўёмонжон - 65», «Пахлавон» фермер хўжаликлари ўртасида ҳам келиб чиққан. Бизнинг ҳуқуқшуносларимиз вазиятни ҳолисона ўрганиб, ариза билан муурожаат қилган фермерларни ишончли равишда ҳимоя қилди.

### Шартнома шартларининг бажарилмаслиги фақат пахтачиликда учрамоқдами?

— Бундай ҳолатлар пиллачилиқда ҳам учраяпти. Масалан, Уйчидаги «Гулбоғ» деҳқон - фермер хўжалиги «Уйчи бош пиллахона» ОАЖга келишилган шартнома бўйича 1160 кг қимматбаҳо саноат хомашёни топшириш мажбуриятини олган. Амалда бу кўрсаткич 1502 кг га етказилган. Келишувга асосан қабул қилувчи топширилган маҳсулот учун беш кундан кечикмасдан ҳисоб кўтоб қилиш лозим эди. Амалда эса 705,587 сўм қарз тўланмади. Шунинг учун суд томонидан ҳисдорлик жамиятига ҳисоб-китобни кечиктирган хар бир кунга 0,4 фоиздан пеня белгиланди. Шу тариқа пиллахона «Гулбоғ» деҳқон фермер хўжалигига жами 811,425 сўм тўлайдиган бўлди.

Бундан ташқари 16 нафар хусусий тадбиркорнинг муурожаати қаноатлантирилди. Уларга 219,776 минг сўмни ундириш тўғрисида Суднинг ҳал қилув қарори чиқариб берилди.

### Тадбиркорлар билан мулоқотлар ўз самарасини бераяптими?

— Иқтисодий ислохотларни ҳаётга изчил татиқ этишда хусусий мулк эгаларининг салмоқли ўрни бор. Шу боис яқинда Республика Олий хўжалик суди билан ҳамкорликда Тўрақўрғон туманида семинар шаклида учрашув ўтказди. Унда кичик ва ўрта бизнес, деҳқон-фермер хўжаликлари, пудратчилар қатнашди.

Юзма-юз савол жавоблар бўлди. Бундан ташқари учрашувда суд мажлиси ҳам ўтказилди. Унда Чортоқда «Ўзбекистон» ширкатни фойдасига «Чортоқ Бош пиллахонаси» ОАЖдан қарз ундириб берилди.

**Сўхбатдош:**  
**Соҳиба АБЗАМОВА,**  
**«Ишонч» мухбири**

### ЖАДАЛ СУРЪАТДА

Улуғ аллома Абдуҳолик Гиждувоний таваллудининг 900 йиллик тўйи арафасида Бухоро аэропорти ва Баҳовуддин Нақшбанд макбарасини боғлаб турувчи 8 километрлик йўлга асфалт ётқиши ишлари бошланди.

— Йўл таъмирланган, учинчи тоифага ўтказилди.

— Бугунги кунгача 9530 метрга бордорлар ўрнатилди. Йўлларга эса плиталар ётқиши бошланди.

Таъмирлашнинг бош пудратчиси «Бухороавтоўй» АЖ Когон йўли қурилиш бўлими ҳисобланади. Йўл қурилишида шунингдек, Бухоро, Файзулла Хўжаев ва Қоровулбозор туманларининг йўлсозлари ҳам иштирок этмоқда.

Алломанинг тўйи ўтказиладиган Гиждувон туманида ҳам 26 километр узунликдаги автобил йўли жадал суръатда таъмирланмоқда. У ишга тушган шахарни 1,8 километр узунликдаги замонавий автострада кесиб ўтади. Айни пайтда бу ерда йўлларни ва бордорларни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

«Туркистон-пресс»

### Таълим ва фан ходимлари касабаяушма Марказий қўмитаси диққатига!

**Хаммаси одатдаги оддий кундалик ташвишлардан бошланди. Таълим ва фан ходимлари касабаяушма Марказий қўмитасида жойлардан олинган тезкор маълумотлар билан танишар эканмиз, жумладан Сирдарё вилоятида иш ҳақи ва бошқа тўловларни амалга оширишда қарздорликка тамоманла барҳам берилгани эътиборимизни тортди. Бизда худди шу ҳолат - вилоятда бу борада қилинаётган ибратли ишлар билан танишиш, тўпланган тажрибалар ҳақида мақола ёзиш иштиғи тугилди.**

Ихлос билан Сирдарё вилоят касабаяушмалари Кенгашининг чиройли ва саришта биносига кириб бордик. Кенгаш раиси Носирхон Акбаров сергайрат, тажрибали, дилкаш инсон. У меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, яратувчилик ишлари, одамлар онгида ва ҳаётда бўлаётган ўзгаришлар билан таништирди. Ўзбекистон касабаяушмалари Федерациясининг III қурилтойи қарорлари ижроси ҳамда заллар ва хоналардаги лавҳалар, қўрғазмалар кўп нарсани ойдинлаштириб беради. 2003 йилда 25 тармоқ вилоят ва 51 туман битимлари тузилган, 3317 юридик шахслар билан имзоланган жамоа шартномалари 1569 бошланғич касабаяушма қўмиталарига нисбатан татиқ қилинган. Энг қувонарлиси, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим шarti бўлган янги иш ўринлари яратишга жиддий киришилган. Жумладан, 2001 йилда «Бандлик» дастурига асосан 15.255 киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилган бўлса, бу муҳим иш тобора жонлантириб бориляпти.

Вилоят касабаяушмалари ҳаёти янада яқинроқ танишиш мақсадида таълим ва фан ходимлари касабаяушма

ли пули ва бошқа тўловларни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсақ, бу рақам янада катталашиб 95.446 минг сўмга етади. Ажаб, тармоқ касабаяушма қўмитаси ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, белгиланган битим ва шартнома шартларининг сўзсиз бажарилиши таъминлаш ўрнига ёлгон маълумот бериш йўлини тутса.

# НОТЎҒРИ МАЪЛУМОТ бундан кимга фойдаю кимга зиён

аҳвол маълумотдагидек бўлиб чиқмади. Хайратимиз ошди. Жами ишловчилар сони 1549 нафар кишини ташкил этган туман халқ таълими бўлимида шу йилнинг апрел ойи учун иш ҳақидан қарздорлик 19.723 минг сўмни ташкил этган. Ие, бу қанақаси бўлди. Ахир, вилоят тармоқ қўмитаси раиси Қаршибой Эшназаровнинг таълим ва фан ходимлари касабаяушма Марказий қўмитасига шу йилнинг 1 июн ҳолатига кўра берган маълумотида вилоятда иш ҳақидан, шу жумладан, ишлаётган пенсионерлардан, 2 ёшгача боласи бўлган аёлларга тўланган нафақа пулидан, меҳнатга лаёқатсизлик варақасидан қарздорлик йўқ, деб кўрсатилган экан-ку. Агар май ойи учун тўланадиган иш ҳақи, меҳнат таъти-

қаршибой Эшназаров ҳамроҳлигида Мирзаобод туманига йўл олддик. Таассуфлар бўлсинки, туман ХТБда иш ҳақи тўлашдаги ҳақиқий

Кутилмаганда вилоят марказий банкдан кўнғироқ қилиб, маълумот олишга, иш ҳақиға тегшили банк «сирини» сўрашга ҳаққимиз

йўқлигини айтиб писанда қилишди. Бундан чиқди, ишловчилар оилаб иш ҳақи ололмай мумтиш-лаб юрaverишин, улар олдидаги мажбуриятни бажармаслик банк сирини ҳисобланар эканда... Шу-шу Оқолтин, Шароф Рашидов туманлари «Пахта банк»нинг божқарувчилари билан учрашиш насиб этмади. Банк эшигидеа солтаб кутмишлар фойда бермади. Божқарувчилар «муҳим» иш билан кетишганча қайтиб келишмади. Эҳтимол, бу туманлардаги бошқа жойларда иш ҳақидан қарздорлик йўқдир, дерсиз. Қабқда Айниқса, Оқолтин туманида аҳвол ачи-нарли. Бу ерда иш ҳақидан қарздорликнинг ўзи 17 миллион сўмга етган. 2 ёшгача боласи бўлган аёлларга тўланадиган нафақа пуллари, пенсия ва касаллик вара-

қаси пуллари феврал, март, апрел ойлари учун тўланмаган. Жами қарздорлик 68.429 минг сўмга етган. Банк томонидан ажратилган 35 миллион сўмга яқин маблағнинг мақсадсиз сарфлангани учун айбдорларга нисбатан жиноий иш қўзғатилибди.




Худди шунингдек, Шароф Рашидов туманида ҳам апрел ойи учун 19.273 минг сўмлик иш ҳақи ва бошқа тўловлар эгаларига етказилмаган. Бунинг сабаби ҳаққидаги журналист суриштируви вилоят «Пахта банк»нинг божқарувчиси Камол Жонзоқов томонидан орикли қабул қилинди. У гувоҳнома, сафар гувоҳномасидан бирон ишқал топиб, саволларга жавоб беришдан бош тортишга обдон уринди. Тўғри, у бу лавозимда янги. Биз юқорида таъкидлаган Оқолтин туман халқ банки божқарувчилигидан келган. К.Жонзоқовнинг айтишича, иш ҳақлари ишловчиларга вақтида бориб етмаётганига ХТБдагилар айбдор эмиш. Яъни ХТБларга ажратилган маблағларни қонунсиз бошқа мақсадларга ишлатиш ҳолатлари учраётганмиш...

Биз бўлган учта туманда аҳвол шундай. Хўш, Марказий Қўмита томонидан жойлардан тармоқ ходимларининг иш ҳақидан қарздорлиги бўйича баъзан нотўғри маълумот берилаётгани, ҳақиқий аҳвол ўрганилганда, мазкур худудларда қарздорлик мавжудлиги аниқланаётгани, нотўғри маълумот берган масъул шахсларга маъмурий чора қўланиши ҳақида такрор-такрор ёзма ва оғзаки оғохлантиришларга қарамай, ҳақиқий аҳвол яшириб келинаётганини қандай изохлаш мумкин?


**Ялғо САРИЕВ,**  
**«Ишонч» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ


*Республикамиздаги барча жонкуяр  
ва фидокор соҳа ходимларини  
касб байрами билан самимий  
муборакбод этади*



*Жондан азиз Ватанимиз келажаги бўлмиш  
соғлом авлод камолотига қўшаётган  
ҳиссангиз баракали бўлсин!*



**Инсон соғлиғини муҳофаза этишдек  
улуғвор ишингизда муваффақият  
тилаймиз**



### «Турон» илмий-универсал кутубхонаси ёш йигит-қизлар билан доимий гавжумлигини кўриб, кўнгил бейхитёр ғурурга тўлади. Ўзбек маърифатчилиги ўчоги сифатида ўтган аср бошларидан фаолият бошлаган зиё маскани ҳозирда ҳам ёш авлод маънавиятини ўстириш йўлида камарбаста.

Кутубхона пойдеворида илк гишт қўйилганига ҳам тўқсон йил тўлди. Кутубхона жойлашган бинода 1911 йили улф маърифатпарвар Абдулла Авлоний бошчилигида «Турон» хаваскорлик труппаси тузилади ва халққа маърифий саҳна томошалари кўрсатила бошланади. 1913 йилда эса труппанинг илгор фикрли аъзолари ташаббуси билан кутубхонага асос солинади. Шу тарихида вужудга келган муътабар даргоҳда Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Маннон Уйғур каби тараққийпарвар зиёлиларни бирлаштирган маънавий муҳит шаклланди. Ушбу маънавий муҳитнинг Ватан, миллат овозиди учун курашда нечоғли юксак ўрин тутганлигидан бугун кўпчилик хабардор.

## «ТУРОН» — МАЪРИФАТ ГУЛШАНИ



Яқинда кутубхонада маърифат ўчоғининг асосчиларидан бири — Абдулла Авлоний таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланди. Бу кутубхона ўтмишига теран назар солишни талаб этади, албатта. Зеро, Авлоний дарғалик қилган зиё гушаси ҳаётини ақс эттирувчи баъзи ларнинг бизгача лиги эътиборга сан, А.Қодирий-маъруз хотиралари» асаридagi тасвирларнинг асл кўри-ниши ҳамда Чўлпон бироз мударат яшаган хужра тарихий экспонат сифатида қадридлир. Бундан ташқари, кўпгина архив материалларидан олиб ташланган, аслида катта аҳамиятга эга суратлар кутубхона архивда бахтли тасо-диф туфайли сақланиб қолган. Шу боис айни кунларда кутубхона таркибиде музей ташкил этиш режалаштирил-моқда. Бу хайрли иш нафақат кутубхона тарихини, балки халқимиз ўтмишининг улкан саҳифаларини ҳам ўзида ақс эттиради, деб умид қилиш мумкин.

Бугун кутубхонанинг катта саҳни улғур ижодкорлар асар-лари ва турли кўргазмали суратлар билан безатилган. Турли жиҳозларга эга. Энг муҳими, китобхонларнинг бемалол му-толаа билан шуғулланишлари учун барча шароитлар мав-жуд.

Китоб фондимида жами тўрт юз мингдан ошқ китоб бор, — дейди кутубхона директори Вазира Собирова. — Аъзоларимиз ақсариятини талаба-ёшлар ташкил этиши билан бирга катта ёшли турли соҳа кишилари ҳам доимий китобхоналаримиз ҳисобланади.

Зиё масканида замон талабларига муносиб равишда қадам ташланаётганига бир қарашдаёқ ишонч ҳосил қила-диш. Зеро, энг аввало, китобхонлар буюртмасини қабул қилиш жойида кутубхона ходимларининг замонавий ком-пьютерлар ёрдамида тезкор ва намунали хизмат кўрсата-ётганликлари киши эътиборини тортади. Шунингдек, ку-тубхона аъзоларининг интернет тармоғидан етарлича фой-даланиш имкониятига эга бўлганликлари ҳам муҳим ютқу-лардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Айниқса, «Турон дурдоналари» веб-сайтнинг очилганлиги кўпназарли ҳол-дир. Ушбу веб-сайтга Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Хо-разм ҳамда Бухоро вилоятлари илмий-универсал кутубхо-наларида сақланаётган 1500 дан ортиқ нодир китоблар электрон каталог кўринишида киритилган.

Китобхонлар учун яратилган яна бир қўлайлик, бу ерда ҳуқуқий марказ фаолият олиб бораётганлигидир. Марказ қошида барча керакли ҳуқуқий адабиётлар жамланган. Шу билан бирга интернет ёрдамида қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиш имконияти ҳам яратилган. Ҳуқуқий маддага муҳтожлар мутахассислардан тегишли мас-лаҳатлар олишлари мумкин. Қолаверса, марказ китобхон-лар билан ҳуқуқшунос олимлар, қонунчи ҳимоя қилувчи органлар ходимлари ўртасида мулоқотлар ташкиллашти-риш ишлари ҳам бош-қош.

Бугунги кунда ҳомийлар кўмагисиз бирор ютқуқа эри-шиш амримаҳоллиги барчага аён. Биз юзлабда санаган му-ваффақиятлар омилли ҳам ҳомийларнинг ёрдами билан бе-восита боғлиқ. Америка Очқ жамияти фонди, «Янги аср», «Маънавият» нашриётлари томонидан кутубхона янги ки-тоблар билан бойитишда ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқ-да. Яқинда АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси томо-нидан тақдим этилган китоблар туҳфаси яна бир ҳомийлик ёрдами юзага келганидан далолат бўлди. Бинони таъмир-лаш ва замонавий технологиялар билан жиҳозлашда Тош-кент шаҳар ҳокимияти доимий кўмак бериб турибди. Ма-салан, бултур ҳокимлик маблағи эвазига кутубхонанинг би-ринчи қаватида жойлашган китоблар сақланадиган хона-лар тўла таъмирдан чиқарилди.

Кутубхона жамоасининг ташаббуси билан адабиётимиз ва миллий маданиятимизнинг буюк намунадалари ҳаёти, маънавий меросига бағишлаб турли тадбирлар, таниқли адибу олимлар билан ижодий учрашувлар мунтазам ўтқа-зиб турилибди. Бундай тадбирларни ташкил этишда ҳам-корлик қилиб келатган таниқли олимлар — О.Шарафидди-нов, Н.Каримов, Ш.Ризаевларнинг кўмакларини кутубхона жамоаси манмуният билан тилга олишди.

Бу даргоҳда 30-40 йиллик меҳнат тажрибасига эга Ну-рия Мирзоқирова, Норбиби Ҳамидова, Маргарита Синел-никова, Лиэза Иванова, Дилбар Насриддинова, Насиба Омон-гелдиева, Муқаддам Раҳимов ва сингари зиёкорлар кутубхо-начиликнинг ўзига хос мактабини яратишган. Тошкент Дав-лат Маданият институти ва маданият коллежи талабалари ўқув амалиётларида бевосита улардан касб сирларини ўрга-нишади. Кутубхона услубий раҳбарлигига Тошкент вилоя-тидаги 500 та кутубхона бириктирилган. Шунга мувофиқ, жамоа ташаббуси билан ўтган бир йил ичида бугунги кун кутубхоначилигининг долзарб муаммоларига бағишлаб туртта республика семинар-тренинг ўтказилди. Бу «Турон»-чиларнинг юртимиз кутубхоналари сардорига айланиб бо-раётганининг яна бир исботидир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» муҳбири

## ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

Нодирбекни тақдир кўп мушқулотларга рўба-ру этди. Дастлаб отасидан жудо бўлди. Сўнгра бедаво дардга йўлиқиб, бир қўли, бир оёғи яхши ишламайдиган бўлиб қолди. У олдинлари мак-табда яхши ўқирди, бора-бора соғлиги панд бе-риб, салга чарчайдиган, холдан тойиб қолади-ган бўлди. Унинг орзулари жуда кўп эди. Олий-гоҳга кириб етук иқтисодчи бўлиб, Ватан равна-кига ўз хиссасини қўшмоқчи эди.

Ҳаёт қанчалик машаққат-ли ва тўқнашуларга бой бўлмасин, у ҳаммиша яхши одамларнинг меҳр-муҳабба-ти, саховати билан шунча-лик гўзал ва мунаввардир.



Туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан берил-ган йўлланма унинг умид-ларига қайта жон бағишла-ди. Йўлланма билан у Тош-кент ҳокими маҳкамаси Меҳнат ва аҳолини ижтимо-ий муҳофаза қилиш Бош бошқармасига қарашли ҳунар-техника билим юрти-га ўқишга тақлиф этилган эди. Эртаси кўни Шайхон-мехрибон ўқитувчилар уни қадрдонларидек қаршилашди. Айниқса, билим юрти дирек-тори Шарофат Ортиқовнинг муомаласи Нодирбекнинг кўнглини кўтарди. Опахоннинг ўзи эринмай, билимгоҳ фао-лият, мавжуд мутахассис-ликлар ҳақида сўзлаб берди. 16-45 ёшгача бўлган ногирон-лар, боқувчисини йўқотган, кам даромадли оилалар ва

ота-онаси ногиронларнинг фарзандлари таълим олиб, ҳунар ўрганишаётганидан хикоя қилди.

Нодирбек шу кўни уйига гўё қанот чиқариб учиб бор-ди. Опаизори ўғлининг қувон-чига шерик бўлиб, унга умид эшигини очган ҳуқуматдан, яхши одамлардан миннатдор бўлиб, дуога қўл очди.

Меҳр-саховат кўрсатмоқ, ночор, бева-бечораларни қўллаб-қувватламоқ азалдан халқимизнинг қонига сингиб кетган қадриятлардан, — дей-



Ихлос

тиқувчилик, қосибчилик, қоти-ба-референт, устки кийимлар тикувчи чевар-моделерлар, радиоаппаратуралар ва уй-рўзгор электр асбобларини таъмирловчи усталар мута-хассисликлари бўйича ўқувчи-ларга юқори малакали педа-гог-ўқитувчилар, мутахассис-лар сабоқ беришади.

Замонавий компьютер хо-налари, барча қўлайликларга эга бўлган шинам фан каби-нетлари ўқувчилар хизмати-да. Билимгоҳ кутубхонасида барча зарур ўқув адабиётла-ри мавжуд. «Маънавият ва маърифат» хонаси ёшларнинг сеvimли масканига айланти-рилган.

Ўқш мударати бир йил. Дар-слар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Фанларни ўлаштирувчи ўқувчилар сти-пендия билан таъминланади.

Билим даргоҳида таълим-тарбия ишлари «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадр-лаш тайёрлаш Миллий дасту-рининг талабларига ҳам-оҳанг тарзда олиб борилмақ-да.

Айниқса, бухгалтерия ҳисо-би бўлимида ўқув-тарбия иш-лари ибратли. Бу ерда ёш-лар Ҳ.Тошмухамедов, У.Ис-моилова, Ш.Умаров, Б.Наза-ров, К.Ғаниев каби тажриба-ли педагоглардан бухгалтер-рия ҳисоб-китоб ишлари, ҳуж-жатларини расмийлаштириш қонун-қоидаларини ўрганиди-

лар. Шунингдек, уларга пенсия таъминоти, ЭҲМ, Бозор иқтисодиёти, Меҳнат Кодекси, Миллий истиқлол ғояси фанлари ҳам мукам-мал ўргатилади.

Тикувчилик бўлимида айни кунда 25 нафар тала-ба сабоқ олади. Гуруҳ раҳ-бари Гулчехра Абдуллаева ёшларнинг сеvimли устози. Замонавий тикув даст-гоҳларига эга бўлган уста-хоналар ўқувчилар хизма-тида. Бу ерда ёшлар тикув-чиликнинг нозик сирлари-ни ўрганишлар.

Замон ўзгариши билан одамларнинг кийиниш ма-данияти ҳам мукамаллаш-шиб боради, — дейди ти-кувчилик гуруҳи етакчиси Наргиза Усмонова. — Шу боис биз тикувчилик мил-лийлик билан замонавий-ликни уйғунлида ўргани-шимиз лозим. Бу ишда би-лим юртимиз ўқитувчилари яқин ёрдамчимиз. Улар бизга ҳунарларимизни ўлаштиришимиз учун меҳ-рибон, гамхўр.

Ўқувчилар назарий би-лимларини амалиётда қўллашлари учун ҳам билим даргоҳида барча шарт-шар-оитлар муҳайё.

Билим даргоҳида айни кунларда ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш иш-лари бошлаб юборилди.

А.НАБИЕВА

## «СУРХОН» ЮТҚАЗДИ

лекин руҳан тетик жамоа эканлигини исботлай олди

Тўғриси, Термизда бўлиб ўтган мамлакат кубоги бах-сида мағлубиятга учраган «Пахтакор» ўз майдониде аламдан чиқиб ўқундан келган барча ишчи қили-шини бемалол олдиндан башорат қилиш мумкин эди. Шундай бўлди ҳам. Биринчи таймда Анвар Солиев-нинг икки голи футбол сценарийси муаллифлари ёзга-нидек давом эттишини кўрсатди. Кейинги 45 дақиқада ҳам турнир қарвонбосининг устунлиги сезилиб тур-ди ва меҳмонлар дарвозасига яна уч тўп киритилди.

Шу ўринда мухлисларни хушнуд қилган ҳолат ҳақида бир оғиз сўз: сурхондарё-лик футболчилар ҳам воқеа-ларга томошабин бўлиб тур-мадилар, албатта. Бир неча бор шиддатли ҳужум уш-тирдилар. Улардан бири Нестеревни доғда қолди-риб, ҳисоб ўзгаришига са-баб бўлди. Энг муҳими, ушбу ўйин «Сурхон» танла-ган йўл тўғри эканлиги, фут-болчилар ўз кадр-қимматла-рини билиб ҳаракат қилиш қўникмасини эгallaб бора-ётганлиги яна бир қарра ис-ботини топди.

Ун учинчи турда мухлис-лар яна бир вилоят жамоа-си «Машъалнинг» бенефи-сига гувоҳ бўлдилар. Мубо-раклиқлар Бекободда ма-ҳаллий «Металлург» коман-дасини 4:2 ҳисобида мағлуб этиб, турнир жадалидаги ўз аҳолини бир мунча я-

эттилди: «Насаф» — «Қўқон-1912» — 4:0, «Бухоро» — «Ан-диджон» — 1:1, «Нефтчи» — «Самарқанд-Д» — 2:0, «Қизилқум» — «Гулистон» — 2:0, «Дўстлик» — «Цементчи» — 3:1.



### 13-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	13	12	1	0	40-9	37
2. «Нефтчи»	13	12	0	1	36-7	36
3. «Қизилқум»	13	8	2	3	24-13	26
4. «Насаф»	13	8	1	4	27-15	25
5. «Дўстлик»	13	6	3	4	17-18	21
6. «Навбахор»	13	5	5	3	20-13	20
7. «Сурхон»	13	6	2	5	16-20	20
8. «Машъал»	13	5	2	6	20-14	17
9. «Бухоро»	13	4	2	7	20-23	14
10. «Металлург»	13	4	2	7	17-27	14
11. «Андижон»	13	3	4	6	12-14	13
12. «Самарқанд-Д»	13	4	1	8	17-22	13
13. «Трактор»	13	3	4	6	16-31	13
14. «Цементчи»	13	3	2	8	13-23	11
15. «Гулистон»	13	3	1	9	9-29	10
16. «Қўқон-1912»	13	2	0	11	13-37	6

## ШАҲОДАТНОМАНИНГ ЯНГИ ДАВЛАТ НАМУНАСИ

Умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган ўқувчиларга ша-ҳодатномаларни топшириш ўзига хос тантанага айланадиган бўлди. Бундай йиғилишлар ҳокимликлар, ота-оналар кўмиталари, жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар вакил-лари иштирокида ўтказилади.

Гап шундаки, Вазиравил Маҳма-маси яқинда «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шартноманинг давлат намунаси» ҳамда «Умумий ўрта таъ-лим тўғрисидаги шаҳодатномани битирувчиларга бериш тўғрисида Низом» ни тасдиқлади.

Шаҳодатномага саккизинчи ва

тўққизинчи синфларнинг ўқув режа-сида кўрсатилган ўқув фанлари кири-тилган бўлиб, ушбу фанлар бўйича ўқувчиларнинг баҳолари қўйилади ҳамда унга «Ўқувчиларни касб-ҳунар-га йўналтириш, психологик-педагогик республика ташхис Маркази тавсия-номаси» илова қилинади.

Шаҳодатномаларни топшириш ма-росими битирувчиларда фахрланиш туйғусини эстиради.

## ГРАН-ПРИ МУКОФОТИ СОҲИБИ

Мақтаб ўқувчилари ўртасида ноёб истеъодларни излаб топиш ва ўзбек миллий кўшиқчили санъ-атини янада ривожлантириш мақ-садида «Истеъодларни излаш» кўшиқ кўрик-танловини ўтказиш

яхши анъанага айланиб қолди. Республикаминг яккасон кўшиқчи ўқувчиларини бу сафарги кўри-чи ҳам муваффақиятли яқунланди. «Халқ кўшиғи», «Мумтоз кўшиқ», «Ялла» жанрларида бўлган ижо-дий беллашувада Бағдод тумани-даги 19-болалар боғчаси мусиқа раҳбари Саидакбар Йўлчиев кўрик-танловнинг энг олий ўрни, Гран-при мукофотида сазовор бўлди.

Ғиждувон туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси Шерали Пўлатов ва Нукус шаҳридаги 40-болалар боғ-часи тарбиячиси Саятхон Худой-бергановалар эса совринли би-ринчи ўрин соҳиб бўлдилар.

Ғолиблар муносиб тақдирлан-дилар.

Камолитдин ИЛҲОМОВ

Ўзбекистон давлат муас-сасалари ва жамоат хизма-ти ходимлари қасаба уюш-масининг Тошкент шаҳар қўмитаси «Ўзсанотқурилиш-банк» бирлашган қасаба уюш-ма қўмитасининг раиси Зокир Собитовга волидаи муҳтарамаси

ШАРИПА аянинг вафот этганлиги муноса-бати билан чуқур таъзия из-ҳор этади.

Ўзбекистон давлат муас-сасалари ва жамоат хизма-ти ходимлари қасаба уюш-ма қўмитаси Фаргона вилоят қасаба уюш-ма қўмитасининг бош хисобчиси Гул-нора Қосимовага волидаи муҳтарамаси

АКЛИМА аянинг вафот этганлиги муноса-бати билан чуқур таъзия из-ҳор этади.

## «2-СОН АВТОКОМБИНАТ» ОАЖ

09 - сонли ХАБАР

2003 йил 13 июн кўни соат 10:00 да «2-сон Автокомбинат» ОАЖ мажлислар хонасида, Акмал Икромов тумани, С.Сегизбоев кўчасидаги 3-А манзилда Акциядорларнинг нав-батдан ташқари умумий мажлиси ўтказилди. Мажлисда иштирок этган акциядорлар-нинг акциялари сони 305546 дона, жамиятнинг овоз бериш ҳуқуқига эга ошдий акция-ларининг 68 фоизи. Кун тартибидеги масалалар бўйича овоз бериш бюллетеньлар асосида амалга оширилди.

МУҲОКАМА ЭТИЛГАН МАСАЛАЛАР ва ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ

1. Янги тахрирдeги Жамият Устави ва Жамият Низомларини тасдиқлаш. РОЗИЛАР - 305546 акция

КАРШИЛАР - йўқ  
БЕТАРАФЛАР - йўқ

2. Жамият тафтиш гуруҳини сайлаш. РОЗИЛАР - 305496  
2. Юнусов А. 305546  
3. Аҳмаджон Н.Т. 305546

КАРШИЛАР - 50 йўқ  
БЕТАРАФЛАР - йўқ

3. Янги автомобиллар сотиб олиш учун кредит олиш. РОЗИЛАР - 305546 акция

КАРШИЛАР - йўқ  
БЕТАРАФЛАР - йўқ

АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ МАЖЛИСИ ҚАРОРИ

1. Янги тахрирдeги Жамият Устави ва Жамият Низомларини тасдиқлаш.  
2. Тафтиш гуруҳига Иванов П.В., Юнусов А., Аҳмаджон Н.Т. янги аъзолар этиб сайлансин.

3. Янги автомобиллар сотиб олиш учун 540 миллион сўм кредит олинсин. Қарор қабул қилинди Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилишида - 2003 йил 13 июн кўни.

«2-сон АВТОКОМБИНАТ» ОАЖ Бошқарув кенгаши

## СООБЩЕНИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ: НАСТУПЛЕНИЕ ДАТЫ ЗАКРЫТИЯ РЕЕСТРА ОАО «5-Таксисарой»

Порядковый номер сообщения - 07.

- дата принятия эмитентом решения - 13 мая 2003 года;

- дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг - 13 мая 2003 года;

РЕШЕНИЕ ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ ОАО «5-Таксисарой»

Порядковый номер сообщения - 09.

- вид общего собрания - внеочередное;

- форма проведения общего собрания - очная;

- дата проведения общего собрания - 13 мая 2003 года;

- место проведения общего собрания - г. Ташкент, ул. Арнасай 7а;

- вкворум общего собрания - 51733 простых акций - 70,4 голоса;

- вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним;

1. Довыборы состава Ревизионной комиссии.

Голосовали: за - 70,4%, против - нет, воздержался - нет.

2. Внесение изменений в Положения о Наблюдательном совете, ревизионной комиссии и в трудовой договор о найме руководителя.

Голосовали: за - 70,4%, против - нет, воздержался - нет.

3. Включение стоимости ГИС в Уставный фонд ОАО.

Голосовали: за - 70,4%, против - нет, воздержался - нет.

Полные формулировки решений, принятых общим собранием:

1. Переизбрать двух членов Ревизионной комиссии, включая в нее акционера ОАО Хакимова С. и гл. бух. СП «Миссисили» Нартикову В.Б.

2. Утвердить Положения «О Наблюдательном совете ОАО», «О Ревизионной комиссии ОАО» и «Трудовой договор о найме руководителя».

3. Установить номинал 1-й акции ОАО в размере 685 сўм, а размер уставного фонда 50344,0 тыс.сўм.

4. Продать а/м «ТИКО» жене бывшего водителя арендатора ОАО Каримова А. по оценочной стоимости 1556594 сўм.

ИЗМЕНЕНИЯ В ПЕРСОНАЛЬНОМ СОСТАВЕ ДОЛЖНОСТНЫХ ЛИЦ ОАО «5-Таксисарой»

Порядковый номер сообщения - 10

- орган управления эмитента, в котором произошли изменения - ревизионная комиссия

- фамилия, имя, отчество избранного лица и лица, полномочия которого прекращены:

- довыбраны:

Нартиков В.Б. СП-Миссисили» 25% 18374 акции

Хакимова С. Акционер 0,2% 157 акции

выведены:

Букреева И.Ю. труд.кол-в 175 акций

Бобровский А.И. труд.кол-в 177 акций

- уполномоченный орган, принявший решение - общее собрание

- дата, в которой произошли изменения - 13 мая 2003 года.

## ISHONCH

Бош мухаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ